

---

Марғилон шаҳридаги Ўқув спорт техника клубида “В” ва “ВС” тоифалар бўйича Ёшлар ва Темир дафтарларига киритилган фуқароларнинг 50 фоиз ўқиш тўловлари ҳокимлик ва ҳомийлар томонидан тўлаб берилди.

Марғилон шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Молия бўлими, Ёшлар ишлари агентлиги, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ва Васийлик кенгаши шаҳар бўлими ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Фарғона вилоят ташкилоти тасарруфидаги Марғилон шаҳар Ўқув спорт техника клубида “В” ва “ВС” тоифалар бўйича шаҳардаги 4 та сектор ҳудудларида истиқомат қилувчи жами 25 нафар “Темир дафтар” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқаролар учун ўқиш тўловларининг 50 фоиз қисми маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб берилди. Ҳозирги кунда ўқиш курсларининг биринчи босқичи олиб борилмоқда.

2021-04-21 18:34:24